

O'zbekiston Respublikasi
Adliya Vazirligida

O'zbekiston Savdo-sanoat
Palatasi ta' sis Konferentsiyasida

RO'YXATGA OLINGAN

TASDIQLANGAN

_____-sonli _____
“ ____ ” _____ 2004 yil

Bayonnoma №1, 1-ilova
“21” sentyabr 2004 yil

**O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI
USTAVI**

Tashkent-2004

1. АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

1.1. Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси қайта ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси. Адлия Вазирлигида 1998 йил 28 декабр 353 — сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.2. Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси (қуйида «Палата» деб юритилади) тадбиркорлик фаолияти субъектларини ихтиёрий равишда бирлаштирувчи нодавлат, нотижорат ташкилотдир.

Ташкилий ҳуқуқий шакли — O'zbekiston Savdo-sanoat Palatasi. Палатанинг ўзбек тилидаги тўлиқ номи «O'zbekiston Savdo-sanoat Palatasi»; инглиз тилида «Chamber of Commerce and Industry of Uzbekistan»; рус тилида «Торгово-Промышленная Палата Узбекистана»;

1.3. Палата ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Устав асосида амалга оширади.

1.4. Палата ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни самарали бажариш учун Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Палатанинг ҳудудий бошқармаларини ташкил этади.

Палатанинг ҳудудий бошқармалари юридик шахс бўлиб, Палата томонидан тасдиқланган ҳудудий бошқарма Низоми асосида фаолият юритади.

Палата ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни самарали бажариш учун зарур ҳолларда туман ва шаҳарларда филиаллар тузиш ҳуқуқига эга.

Палатанинг туман, шаҳар филиаллари юридик шахс ҳисобланмайди ва Палата томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият юритади.

Палата Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган ҳудудий бошқармалари, шунингдек туман, шаҳар филиаллари билан бирга ягона тизимни ташкил этади.

Палата хорижий мамлакатларда ваколатхоналар очиш ҳуқуқига эга.

1.5. Палата юридик шахс ҳисобланади ва ўз тасарруфида бўлган мол-мулкка эгалик қилади, Палата Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқаридаги банкларда ҳисоб ва бошқа рақамлари очиш, хар-хил битимлар, жумладан, ташқи савдо, кредит, қимматбаҳо қоғозлар бўйича шартномалар тузиш, шунингдек ўз Уставида кўрсатилган вазифаларни бажариш мақсадида хўжалик ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Палата ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиши ва мажбуриятлар олиши, судда, ҳакамлик судида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Палата ўзига олган мажбуриятлар бўйича амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундириб олиниши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

Давлат ва унинг органлари Палата мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, худди шундай Палата ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

Палата ўзининг ҳудудий бошқармалари ва аъзолари, ҳамда улар ташкил этган тузилмалари мажбурияти юзасидан жавоб бермайди, шунингдек, улар ҳам Палата мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

1.6 Палата белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши лозим бўлган ўзининг номи ёзилган муҳрга, Палата тизими учун-умумий бўлган-жамоавий товар белгисига, рамзларига, расмий идора варақасига, штампга ва бошқа расмий далолат белгиларига эга бўлади.

Палата фаолияти муддати чекланмаган.

Палатанинг манзили: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй.

2. ПАЛАТАНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Палата қуйидаги мақсадларда тузилади:

- Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш;
- Бизнес-муҳитни такомиллаштириш;

- республика тадбиркорларининг хорижий шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш;
- маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш;
- тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун янги корхоналарни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни техник қайта жихозлаш ва замонавийлаштириш учун республикага чет эл сармоясини кенг жалб этиш;
- Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиётига, унинг жаҳон хўжалик тизимида уйғунлашишига, Ўзбекистон тадбиркорларининг бошқа мамлакат тадбиркорлари билан савдо-сотик ва илмий-техник алоқаларини ўрнатишга кўмаклашиш;
- Палата аъзоларини бирлаштириш ва қўллаб-қувватлаш;
- тадбиркорлик субъектлари - Палата аъзоларининг манфаатларини ифода этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- бозор инфратузилмасининг яхлит тизимини шакллантириш;

2.2. Палата қуйидаги вазифаларни бажаради:

- республикада тадбиркорликнинг, энг аввало кичик ва хусусий бизнеснинг жадал ривожланишига, ҳақиқий мулкдорларнинг кенг қатлами шаклланишига, хусусий секторнинг мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги роли ва аҳамиятини тубдан оширишга кўмаклашиш;
- республика тадбиркорларига хорижий шериклар ва сармоядорлар билан ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришда, мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишда, шунингдек, қўшма корхоналар ташкил этиш, энг аввало кичик ва хусусий корхоналарни техник жихозлаш ва қайта жихозлаш учун республикага тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб қилишда ёрдам бериш;
- бошқа мамлакатлар савдо-саноат палаталари ва тадбиркорларнинг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, Ўзбекистон тадбиркорлари делегацияларининг амалий ташрифларини ташкил этиш ва республикага хорижий тадбиркорларни таклиф қилиш, республикада ва чет элларда тадбиркорларнинг халқаро бизнес-анжуманлари, ишбилармонлар маҳсулотларининг савдо-саноат кўرғазмалари ва ярмаркаларини ўтказиш;
- тадбиркорлик фаолияти субъектларига кенг турда хизмат кўрсатиш, жумладан, ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва инвестиция имкониятлари, шунингдек, бўлажак шериклар ва замонавий технологияларни харид қилиш имкониятларига оид ахборотни ўз ичига олган бизнес-каталоглар нашр этилишини йўлга қўйиш;
- тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, бизнес юритишга оид халқаро меъёрлар ва амалиётни республикада жорий этиш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш борасидаги ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни яхшилашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисида таклифлар тайёрлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини жумладан, рўйхатга олиш, маҳсулотини сертификатлаш ва лицензия бериш, шунингдек, ишларини судларда кўриб чиқиш масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда ифода этиш ва ҳимоя қилиш;
- тадбиркорлик фаолиятига оид таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, тадбиркорларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этишни қўллаб - қувватлаш;
- тадбиркорликни ривожлантириш концепцияларини ишлаб чиқиш ва хўжалик субъектлари фаолиятининг жамоатчилик назорати механизмларини амалга оширишда иштирок этиш;
- корхона ва ташкилотларнинг давлат регистри асосида тадбиркорлик субъектларининг реестрини олиб бориш;

- миллий иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳамкорликнинг уч томонлама тизимини (ёлланма ишчилар уюшмаси, иш берувчилар уюшмаси ва ҳукумат) шакллантиришда қатнашиш;
- хўжалик субъектлари ўртасидаги низоларни бартараф этишда ёрдам бериш;
- кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи кенгашининг қарорларини амалга оширишни ташкил этиш;
- «Мадад» суғурта агентлиги, «Ўзтадбиркорбанк» томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказадиган тадбирларини мувофиқлаштириб бориш;
- Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришга хисса қўшганлик учун мукофотлаш тақдимотини ташкил этиш;
- Палата фаолиятининг жаҳон тажрибалари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда бошқа вазифаларни бажаради.

3. ПАЛАТАНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Палата қуйидаги ҳуқуқларга эга;

- тадбиркорлик субъектлари манфаатларига дахлдор қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва муҳокама қилишда қатнашиш;
- палата аъзолари-тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқарув органларида ифода этиш ва ҳимоя қилиш;
- ўз аъзоларининг манфаатини Халқаро савдо палатасида, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бошқа халқаро ташкилотларда ифода этиш;
- ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти органлари томонидан тузилган тадбиркорлик субъектларининг манфаатларига дахлдор масалалар бўйича идоралар, идоралараро ва бошқа комиссиялар, эксперт кенгашлари ва бошқа орган ва ташкилотларнинг ишларида иштирок этиш;
- тадбиркорлик субъектларига ихтиролар, фойдали андозалар, саноат наъмуналарга патент олиш, товарлар белгилари ва товарлар ишлаб чиқарилган жойларнинг номини рўйхатга олишда ёрдам бериш;
- тадбиркорлик фаолияти субъектларига ахборот таъминоти, юридик ва консултантив ёрдам бериш ҳамда бошқа турли хилдаги масалаларда ёрдам ва кўмак бериш;
- Палатага юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш зарурати юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат ҳокимияти органларидан ахборотлар олиш;
- замонавий талаб ва стандартлардан келиб чиқиб тадбиркорларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;
- Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларда корхоналар ташкил этиш, ўз ваколатхона ва филиалларини очиш, шунингдек хорижий корхона ва ташкилотлар билан қўшма палаталар ташкил этиш;
- тўғридан - тўғри халқаро муносабатларни қўллаб-қувватлаш, хорижий мамлакатлар ва ташкилотлардан кредит йўналишларини жалб этиш, шунингдек тадбиркорлик субъектларига барча турдаги кредитлар ва бошқа маблағларни олишда ёрдам бериш, тегишли шартномалар тузиш;
- Палата аъзоларининг манфаатларига доир, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан судларга давлат божини тўлашдан озод бўлган ҳолда даъво аризаси билан мурожаат қилиш;
- газета, журнал ва бошқа матбуот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва чоп этиш;
- тадбиркорлик субъектларини қўллаб - қувватловчи фондлар таъсис этиш;
- қонунчиликка мувофиқ иқтисодий низоларни ҳал этиш учун ҳакамлик судлари ҳамда халқаро тижорат арбитражини тузиш;
- халқаро амалиётга мувофиқ форс-мажор вазиятлари тўғрисида гувоҳлик бериш;

- халқаро амалиётга мувофиқ товарлар, ишлар ва хизматлар экспорти ва импорти, шунингдек ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш ва тасдиқлаш;
- тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барқарорлигига рейтинг баҳосини амалга ошириш, Ўзбекистонда ва хорижда ишончли ҳамкор бўлиши юзасидан молиявий ва иқтисодий ҳолатларидан гувоҳлик берадиган миллий ташкилотлар ва яққа тадбиркорлар Реестрини юритиш, ҳамда тадбиркорлик субъектларини бошқа реестрларини юритиш;
- миллий ва халқаро кўргазмалар ва ярмаркалар ташкил этиш ҳамда ўтказиш, нашриёт ва реклама хизматини кўрсатиш;
- миллий ва хорижий ташкилот ҳамда тадбиркорлар топшириғи бўйича экспертиза, товарлар, ишлар ва хизматлар, шу жумладан, хом-ашё ва ускуналар сифати, сони ва бутлигини назоратини амалга ошириш;
- тушган маблағларни уставда белгиланган вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан лотереялар, тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, шунингдек конкурслар ташкил этиш ва ўтказиш;
- тадбиркорлик субъектларига микрокредитлаштиришни амалга ошириш;
- тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ҳужжатларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишни амалга ошириш, таржимани тўғрилиги юзасидан гувоҳлик бериш;
- уставда белгиланган вазифалари доирасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш;
- мустақил тарзда ўзининг фаолият юритиш услубини аниқлаш, таркибий тузилишини белгилаш, штатлар жадвали, ходимлар сони, меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тартиби ва шакллари қонунда назарда тутилган тартибда белгилаш;

3.2. Палата тизимига раҳбарлик қилишда Палата қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- Палатанинг ҳудудий бошқармалари ва туман, шаҳар филиаллари, шунингдек хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари ижро этиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;
- амалдаги қонунчилик ва Палата Уставига зид бўлган Палатанинг ҳудудий бошқармалари ва туман, шаҳар филиалларининг, шунингдек хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналарининг қарор ва буйруқларини бекор қилиш;
- Палатанинг ҳудудий бошқармалари ва туман, шаҳар филиалларининг, шунингдек хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналарининг хўжалик-молиявий фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш;
- Палатанинг ҳудудий бошқармалари ва туман, шаҳар филиалларининг, шунингдек хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналарининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш;

Амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палата томонидан махсус рухсатнома (лицензия) талаб этувчи фаолият тури билан шуғулланиш бундай рухсатнома (лицензия) олингандан кейин амалга оширилади.

4. ПАЛАТАГА АЪЗОЛИК

4.1. Палатага аъзолик хусуий ва (ёки) уюшган (жамоавий) усулда бўлиши мумкин.

Палатанинг хусусий аъзолари хусусий тадбиркорлик, кичик ва йирик бизнес субъектлари, юридик шахс бўлмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар ва бошқа ташкилотлар бўла олади;

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, тадбиркорлик субъектларини кредитлаштираётган тижорат банклари, тармоқ ва ҳудудий хўжалик бирлашмалари, суғурта ташкилотлари, хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб - қувватлаш жамғармалари, ҳамда улар таркибига кирадиган тузилмалари ва бошқа ташкилотлар уюшган (жамоавий) аъзолар бўла олади.

4.2. Палатага аъзоликка қабул қилиш Палата ва хўжалик субъекти ўртасида шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади.

Аъзоликка қабул қилиш бевосита Палата ёки унинг ҳудудий бошқармаси, туман, шаҳар филиали томонидан амалга оширилади.

4.3. Палата аъзолигидан чиқиш тартиби хўжалик субъекти ёки Палата ва унинг ҳудудий бошқармаси, туман, шаҳар филиали ташаббуси билан аъзолик шартномасини бекор қилиш орқали амалга оширилади.

Аъзолик шартномаси бекор қилинганда кириш ва аъзолик бадаллари қайтарилмайди.

4.4. Палата аъзолигига киришда хўжалик субъектлари қуйидаги аъзолик бадалини тулайди:

- юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар - энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баравари миқдорида;
- микрофирмалар - энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида;
- кичик корхоналар - энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида;
- йирик корхоналар - энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида;
- уюшган аъзолар - шартнома асосида, аммо энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан кам бўлмаган миқдорда (вилоят миқёсида энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорида);
- «Мадад» суғурта агентлиги, «Ўзтадбиркорбанк» - шартнома асосида, аммо энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан кам бўлмаган миқдорида;

4.5. Йиллик аъзолик бадаллари Палата ва Палата аъзолари ўрталарида шартнома асосида белгиланади, лекин қуйидаги миқдордан кам бўлмаслиги лозим:

- юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар - энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида;
- микрофирмалар - энг кам ойлик иш ҳақининг 6 баравари миқдорида;
- кичик корхоналар - энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида;
- йирик корхоналар - энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида;
- уюшган аъзолар - шартнома асосида, аммо энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан кам бўлмаган миқдорда (вилоят миқёсида энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида);
- «Мадад» суғурта агентлиги, «Ўзтадбиркорбанк» - энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан кам бўлмаган миқдорида;

4.6. Палата аъзолари ҳисоби улар жойлашган жойларда Палатанинг ҳудудий бошқармалари томонидан олиб борилади:

Палатанинг ҳудудий бошқармалари Ўзбекистон Савдо-саноат Палатасига белгиланган тартибда умумий ҳисоб юритиш учун тегишли ҳудудда жойлашган Палата аъзолари сони ҳақида маълумот бериб боради.

5. ПАЛАТА АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

5.1. Палата аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Палата, ҳудудий бошқарма ва туман, шаҳар филиаллардан унинг ваколат доирасига кирадиган масалаларни ҳал этишда ёрдам олиш;
- амалдаги қонунчиликка биноан Палата аъзоларига берилган имтиёزلардан фойдаланиш;
- шартнома асосида Палата, ҳудудий бошқарма ва улар томонидан ташкил этилган корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалар хизматидан ҳамда Палатанинг жамоавий товар белгисидан фойдаланиш;
- илмий - тадқиқот, социологик ва бошқа ишларни ташкил этиш билан боғлиқ турли тадбирларни ўтказишда ҳомийлик қилиш ва ёрдам олиш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилиш органлари томонидан ўтказиладиган Палата аъзоларининг ҳар қандай молиявий, хўжалик фаолиятининг текширувларида Палата, ҳудудий бошқарма ва туман, шаҳар филиаллар юридик хизматини жалб этиш;

5.2. Ваколатга эга бўлган вакиллари орқали қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Палатанинг барча даражадаги раҳбарлик органларига сайлаш ва сайланиш;
- Марказий Кенгаш томонидан белгиланган тартибда қурултойга делегатларини сайлаш;

- Палата, ҳудудий бошқармалар ва туман, шаҳар филиалларининг раҳбар органларига унинг фаолиятига доир таклифларни тақдим этиш;
- 5.2. Палата аъзоларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:
- ўз фаолиятини шеригига ҳурмат ва самимий рақобат мезонлари асосида амалга ошириш;
 - Палатанинг вазифа ва мажбуриятларини амалга оширишда фаол кўмаклашиш;
 - кириш ва аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб бориш;
 - Палата, ҳудудий бошқармалар, туман шаҳар филиаллари томонидан ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этиш;
 - Палата, ҳудудий бошқармалар, туман, шаҳар филиаллари раҳбарлик органларининг қарорларини ўз вақтида бажариш;
 - Палата, ҳудудий бошқармалар, туман, шаҳар филиаллари таҳлил ишларини олиб бориш учун палаталарга зарур маълумотларни тақдим этиш.

6. ПАЛАТАНИНГ ДАРОМАД МАНБАЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИ, ҲАМДА УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Палата ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк, жумладан, бинолар, иншоотлар, транспортлар, ускуналар, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар, пул маблағлари, жумладан, чет эл валютаси, шунингдек, интеллектуал мулк объектларига эгалик қилади.

6.2. Палатанинг мол-мулк ва даромад манбалари қуйидагилардан иборат:

- Палатага кириш ва аъзолик бадаллари;
- хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятдан тушадиган даромадлар;
- Палата таъсис этган корхоналар томонидан ажратилган маблағлар;
- грантлар ва ҳомийлар маблағлари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

6.3. Кириш ва аъзолик бадалларни алоҳида ҳисобда жамланиб, Палата ижро этувчи қўмитаси қарори билан Палата ва унинг ҳудудий бошқармалари ўртасида тақсимланади.

6.4. Барча тушган маблағлар Палата ижро этувчи қўмитаси белгилаган тартиб бўйича Палата ва унинг ҳудудий тармоқлари томонидан тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш дастурларини молиялаш, Устав вазифалари ва ўз аъзолари олдидаги бошқа шартнома мажбуриятларини бажариш, Палатани сақлаш, унинг ҳудудий тармоқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бошқа мажбуриятларни бажариш учун фойдаланилади.

6.5. Палатанинг Уставада кўрсатилган фаолиятини таъминлаш ва кўзда тутилмаган харажатларни қоплаш, шартнома ва бошқа мажбуриятларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун Палатада захира жамғармалар ва бошқа жамғармалар ташкил этилиши мумкин, уларнинг миқдори ва фойдаланиш тартиби Палата Марказий Кенгаши томонидан белгиланади.

7. ПАЛАТАНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ, ТАШКИЛ ТОПИШ ТАРТИБИ ВА ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

7.1. Палатанинг раҳбар органлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси қурултойи;
- Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Марказий кенгаши;
- Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Ижро этувчи қўмитаси;
- Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Ижро этувчи қўмитаси Раиси;

7.2. Палата бошқарувининг олий органи Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси Қурултойи (қуйида «Қурултой») ҳисобланиб, у:

- Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси Устави, “Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси Марказий кенгаши тўғрисида”ги Низом ва “Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларни тасдиқлайди, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

- Палата ва унинг тузилмаларининг яқин ва узоқ истиқболдаги фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради;
- Палата ва унинг тузилмалари фаолияти тўғрисидаги маърузаларни, Тафтиш комиссияси ҳисоботларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди, улар бўйича қарорлар қабул қилади;
- Палата фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;
- Марказий Кенгаш ва Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлайди:

7.3. Қурултой камида 3 йилда бир марта чақирилади. Қурултой делегатлари Марказий Кенгаш томонидан белгиланган тартибда сайланади.

Марказий кенгаш делегатларни Палатанинг ҳудудий бошқармалари орқали Қурултой кун тартиби, ўтиш вақти ва жойини унинг очилишидан бир ой олдин ҳабардор қилади.

7.4. Қурултойда кўриладиган масалалар Марказий кенгаш, Палата ижро этувчи қўмитаси, Палата ижро этувчи қўмитаси раиси, Тафтиш комиссияси томонидан киритилади.

7.5. Навбатдан ташқари Қурултой Палата Марказий кенгаши, Тафтиш комиссияси ташаббуси ёки ҳудудий бошқармаларнинг камида учдан бир қисми талаби билан ёзма равишдаги талабнома олинган кундан бошлаб, бир ойлик муддат ичида чақирилиши мумкин.

7.6. Қурултой белгиланган тартибда сайланган делегатларнинг камида 2/3 қисми йиғилгандагина ваколатли деб ҳисобланади.

Қурултой қарорлари, Қурултойда иштирок этаётган делегатларнинг оддий кўпчилик ва очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади, Палата Уставини тасдиқлаш, унга ўзгартиришлар ёки кўшимчалар киритиш ва Палата фаолиятини тўхтатиш билан боғлиқ масалалар қурултойда иштирок этувчиларнинг кўпчилик бўлиб 2/3 қисми овоз бериши билан ҳал этилади.

Қурултой ўз қарори билан ўзига тегишли ваколатларнинг айримларини Марказий Кенгашга бериши мумкин.

7.7. Қурултойлар оралиғида Палата тизими фаолиятига раҳбарлик Қурултой томонидан палатанинг кейинги қурултойига қадар сайланадиган Марказий Кенгаш томонидан олиб борилади.

7.8. Марказий Кенгаш таркибига мансаби бўйича Палата ижро этувчи қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари, Палатанинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, шунингдек Қурултой томонидан сайланган тадбиркорлар орасида нуфузи баланд бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар қиради.

7.9. Ўзбекистон Савдо-саноат Палатасининг Марказий кенгаши:

- Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг яқин ва узоқ муддатдаги истиқболлари концепцияси ва дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади;
- Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантирувчи Республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг қарорларини амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва назорат қилади;
- Қурултойлар оралиғида палата тизимининг асосий йўналишлари ва амалий фаолияти шакллари белгилайди;
- Белгиланган тартибда Палата ижро этувчи қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарларини тайинлайди;
- Палата Устави ва Қурултойи қарорларини бажарилиши устидан назорат олиб боради;
- Палатанинг йиллик режалари, ҳисоботлари ва харажатлари сметасини кўриб чиқади;
- Қурултойни чақириш ва делегатларни сайлаш тартибини белгилайди;
- Қурултойлар оралиғида, зарурат юзасидан Марказий Кенгаш аъзоларини кооптация (кўшимча сайлов ўтказмасдан тўлдириш) қилади;
- Палата фаолиятига дахлдор бошқа масалаларни ҳал этади.

7.10. Марказий Кенгаш йиғилиши заруратга кўра бир йилда камида икки марта чиқарилади. Йиғилишни Палата ижро-этувчи қўмитаси раиси олиб боради. Йиғилиш Марказий Кенгаш аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок этгандагина ваколатли ҳисобланади.

Марказий кенгаш қарори иштирокчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Навбатдаги йиғилишлардаги масалаларни Палата ижро этувчи кўмитаси раиси ёки Марказий Кенгашнинг алоҳида аъзолари ташаббуси билан киритилади.

7.11. Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси ижро этувчи кўмитаси (қуйида ижро этувчи кўмита):

- Курултой ва Марказий Кенгаши қарорларининг жорий бажарилишини ташкил этади;
- Палата курултойини чақириш ва уни тайёрлашда иштирок этади;
- Палата томонидан тузилган шартномаларнинг ижро этилишини назорат қилиб боради;
- Палатанинг мулк тақсимотчиси ҳисобланади ва мол-мулкдан фойдаланиш тартибини белгилайди;
- Худудий бошқармалар ва туман, шаҳар филиалларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади;
- Худудий бошқармаларнинг ҳисоботини, балансини, дастурини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;
- «Мадад» суғурта агентлиги, «Ўздаббиркорбанк» томонидан ўтказиладиган тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни мувофиқлаштириб боради;
- Палата фаолиятига оид бошқа масалаларни ҳал қилади.

Ижро этувчи кўмита таркиби раис томонидан шакллантирилади.

7.12. Палат ижро этувчи кўмитаси раиси:

- Палата фаолиятига раҳбарлик қилади;
- Палата курултойи ва Марказий Кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади;
- Палата Марказий Кенгаши йиғилишларига раҳбарлик қилади;
- Палата ижро этувчи кўмитаси таркибини шакллантиради;
- Палатанинг ижро этувчи кўмитасига бевосита раҳбарлик қилади;
- Палата курултойи ҳамда Марказий кенгашга Палата фаолиятига оид масалаларни кўриш учун киритади;
- Палата худудий бошқармалари, туман, шаҳар филиаларининг Низоми, Палатанинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарининг Низомини тасдиқлайди, ўзгартиради ва қўшимча киритади;
- Палатанинг ташкилий тузилмасини белгилайди;
- Палата ходимларининг сони, меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва штатларни белгилайди;
- Палатанинг худудий бошқармалари ва туман, шаҳар филиаллари, шунингдек хорижий давлатлардаги Палата ваколатхоналари томонидан қабул қилинган амалдаги қонунларга ва Палата Уставига зид келадиган қарор ва буйруқларини бекор қилади;
- ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор кишиларнинг вазифа доирасини белгилайди;
- ишонч қоғозисиз Палата номидан иш кўради ва унинг номидан юридик шахслар, фуқаролар ва халқаро ташкилотлар билан шартнома ва бошқа битимлар тузади;
- Палатанинг худудий бошқармалари, туман, шаҳар филиаллари, Палата худудий бошқармаларининг тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи ахборот-маслаҳат марказларининг молиявий - хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш этишни белгилайди;
- Палата тизимининг ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишларни имзолайди;
- Палата қошида ташкил этилаётган ташкилотлар ва Палата таркибий бўлимлари ҳақидаги низомларни, ички меҳнат тартиби қоидалари ва Палата фаолиятининг бошқа муҳим ҳужжатларини имзолайди;
- белгиланган тартибда Палатанинг худудий бошқармалари ва туман, шаҳар филиаллари, хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари раҳбарларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади;
- Ўзбекистон Республикасининг мавжуд қонунларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилади.
- Раис Марказий Кенгаш томонидан белгиланган тартибда тайинланади. Раис бўлмаган вақтда унинг вазифасини ўринбосарларидан бири бажаради.

8. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

8.1. Тафтиш комиссияси Палата курултойида сайланади ва курултойга ҳисоб беради. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида мазкур Уставга ва “Ўзбекистон Савдо-саноат Палатасининг Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомга амал қилади.

9. ПАЛАТА УСТАВИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Палата Уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар Палата курултойи томонидан киритилади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

10. ПАЛАТА ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ

10.1. Палата фаолиятини тўхтатиш Палата курултойи қарорига мувофиқ тартибда қайта ташкил этиш ёки тугатиш йўли билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

10.2. Палата мулки унинг фаолияти Палата курултойи қарори асосида қайта тузилганда унинг ҳуқуқий ворисига ўтказилади, тугатилганда эса Палата курултойи қарори асосида Уставда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун йўналтирилади.